**Жўраев И. – ТМИ, катта ўқитувчи**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН ИНВЕСТИЦИОН ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАСЛАЛАРИ

Ушбу мақолада тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан инвестицион операцияларини иқтисодий моҳияти, унинг қисқача таҳлили ва ривожлантириш йўллари кўриб ўтилган.

**Калит сўзлар:** қимматли қоғозлар, РЕПО, дивиденд, инвестиция, фонд бозори, акция, облигация, эмитент, листинг.

В данной статье рассмотрены вопросы значения инвестиционных операций коммерческих банков с ценными бумагами, дана их краткая характеристика и предложены пути их развития.

**Ключевые словы:** ценные бумаги, РЕПО, дивиденды, инвестиции, фондовый рынок, акция, облигация, эмитент, листинг

This article discusses the importance of investment operations of commercial banks with securities, gives a brief description of them and suggests ways for their development.

**Key words:** securities, REPO, dividends, investments, stock market, stock, bond, issuer, listing

Инвестициялар замонавий иқтисодиётда ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Чунки инвестициялар бўш молиявий ресурсларга эга бўлган бозор субъектлари учун фойда олиш мақсадида жамғармани самарали жойлаштириш, иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатгични кенгайтириш, аҳолини ишсиз қатламини иш билан таъминлаш ҳамда бу орқали аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Қатор олимлар тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолияти бўйича илмий ишлар чоп этганлар.

Масалан Питер Роуз банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолияти воситаларини ўрганиб чиқиб, уларни қуйидаги икки синфга бўлган:

1.Пул бозори инструментлари;

2.Капитал бозор инструментлари. [1]

У инвестиция фаолиятини асосий йўналишига вексель ва облигациялар жалб қилиш таклифини берган.

О.И. Лаврушин эса тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини такомиллаштириш бўйича инвестиция банклари ташкил этишда икки йўлни қўллашни таклиф этган: [2]

а) тўғридан-тўғри қимматли қоғозларни жойлаштириш ва сотиш;

б) узоқ муддатли кредитлаш орқали инвестиция фаолиятини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси шароитида эса Э.И.Носиров томонидан тижорат банкларининг инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилиб,

уларнинг энг муҳимлари инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши, тижорат банклари қимматли қоғозлари бозоридаги ролини ошириш тамойиллари етарлича шаклланмаганлиги сабабдир деб таъкидлаган.**[3]**

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 27 июнда қабул қилинган “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси худудида қуйидаги қимматли қоғозлар амал қилиши кўзда тутилган:

1. Акциялар;
2. Облигациялар;
3. Ғазна мажбуриятлари;
4. Депозит сертификатлари;
5. Вексель;
6. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари (опцион, фьючерс).**[4]**

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган банклар ўзининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг меъёрий хужжатларига мувофиқ равишда ҳамда “Тижорат банкларига қимматли қоғозлар бозорида операциялар бажаришга доир тавсиялар” асосида амалга оширади.

Тижорат банкларининг инвестиция сиёсатини такомиллаштириш уларнинг молия бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш, ликвидлилигини таъминлаш ва молиявий барқарорлик даражасини ошириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштироки янада фаоллашиб бормоқда. Банклар томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлар доирасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Республикамиз тижорат банкларининг етарли даражада ликвидли эканлиги ҳамда уларнинг ресурс базасини тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги уларнинг инвестицион фаолиятини ривожлантириш имконини бермоқда.

Хусусан, тижорат банкларининг муомаладаги қарз қимматли қоғозлари ҳажми 2017 йил 1 январь ҳолатига 1 054,1 млрд. сўмни, жумладан, муомаладаги узоқ муддатли облигациялар 216,3 млрд. сўмни ва депозит сертификатлари миқдори 837,8 млрд. сўмни ташкил этмоқда. [2]

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган инвестицион фаолиятига баҳо берамиз.

*1-жадвал*

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари [5]**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
| Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар суммаси, млрд. сўм | 133,6 | 68,7 | 30,0 | 44,0 | 44,3 |
| Инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, % | 0,4 | 0,2 | 0,08 | 0,09 | 0,07 |

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг брутто активлари ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар жуда кичик салмоқни эгаллайди. Масалан, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 0,07 фоизни ташкил этди. Бу эса, нисбатан жуда паст кўрсаткич ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тараққий этган мамлакатларда қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг тижорат банклари брутто активларининг умумий ҳажмидаги салмоғи 8,5-10,0 фоизни ташкил этади ва уларнинг асосий қисмини ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар ташкил этади.

*2-жадвал*

**Россия айрим тижорат банкларининг активлари таркибида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳажми (01.07.2016 ҳолатига) [6]**

| № | Банк | Қимматли қоғозлар портфели, минг. руб. | Активлар таркибидаги улуши (РЕПОни ҳисобга олган ҳолда), % |
|---|---|---|---|
| 1. | Сбербанк | 2 357 573 430 | 10,7 |
| 2. | ВТБ | 1 160 547 691 | 12,9 |
| 3. | Газпромбанк | 631 896 822 | 12,6 |
| 4. | ФК «Открытие» | 455 780 931 | 16,1 |
| 5. | Альфа-банк | 356 160 314 | 16,3 |
| 6. | (БМ банк ) Банк Москва | 296 794 025 | 38,9 |
| 7. | Россельхозбанк | 240 332 961 | 8,8 |
| 8. | «Русский стандарт» | 232 681 776 | 50,9 |
| 9. | Совкомбанк | 223 812 312 | 42,7 |
| 10. | ВТБ24 | 223 568 850 | 7,2 |
| 11. | «Миллий клиринг маркази» | 204 310 866 | 10,9 |
| 12. | Москва вилоят банки | 169 263 423 | 35,1 |
| 13. | Банк «Россия» | 141 807 876 | 23,1 |
| 14. | Москва кредит банки | 141 274 490 | 11,2 |
| 15. | Банк «Санкт-петербург» | 139 241 483 | 22,9 |
| 16. | Рост Банк | 122 101 819 | 23,0 |
| 17. | Росбанк | 109 698 378 | 14,6 |
| 18. | ЮниКредит Банк | 100 108 266 | 7,8 |
| 19. | «АК Барс» | 98 293 122 | 21,8 |
| 20. | «Российский капитал» | 89 425 417 | 29,7 |

Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг кичик бўлиши банкнинг жорий ликвидлилигини таъминлаш ва активларининг даромадлилик даражасини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бу эса, юқори ликвидли қимматли қоғозларнинг тижорат банклари жорий ликвидлилигини таъминлашнинг ишончли воситаси эканлиги ҳамда корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг даромадлилик даражасини юқори эканлиги билан изоҳланади.

Масалан, 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига, Россиянинг энг йирик 100 та банкининг қимматли қоғозлар портфели 33% га ўсиб, 7,92 трлн.рублни ташкил этди. Бунда асосий ўсиш Федерал заём облигациялари ҳисобига тўғри келган. Яъни банкларнинг қимматли қоғозлар портфелида ҳукумат қимматли қоғозларига қўйилмалар 28,7 дан 38,5 фоизгача ўсган. Россиянинг йирик банкларидан бири бўлган Сбербанкнинг қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг охирги бир йилда қарийб 60 %га ўсган ва 2,33 трлн. рублга етган.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун бир қанчаислоҳотлар амалга оширилиб, ушбу соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасида бир неча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича изчил равишда ишлар амалга оширилаётган бўлсада, соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Зеро, бугунга келиб тижорат банкларининг фонд бозорининг малакали иштирокчиси ҳамда қимматли қоғозлар билан савдони ривожлантириш учун етарли қулай шарт-шароитларни шакллантирадиган бозор умумий инфратузилмасининг муҳим ёрдамчи муассасаси сифатидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Бизнингча, ана шуни назарда тутиб, келгусида миллий қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари томонидан андеррайтинг операцияларини амалга киритиш ва уни ривожлантириш лозим. Бу бир томондан миллий эмитентларга ўз қимматли қоғозларини жойлаштириш орқали қўшимча маблағ олиш, иккинчи томондан банкларга қўшимча даромад орттириш имконини беради.

Ушбу тадбирлар, ўз навбатида, банкларнинг актив операциялар ҳажмини, жумладан, кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини ошишига замин яратди. Бугунги кунда фонд бозорининг энг фаол ва асосий иштирокчилари банклар бўлиб, улар қимматли қоғозлар бозори амалиётида эмитент, инвестор ҳамда инвестиция воситачиси сифатида қатнашмоқдалар.

Бугунги кунда “Тошкент” Республика фонд биржаси расмий листингига 18 та акциядорлик-тижорат банки киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти юқори “А” тоифага мансуб саналмоқда. **[7]**

2012-2016 йилларда тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қўйилмалари портфелида таркибий ўзгаришлар юз берди. 2016 йил якунларига кўра, тижорат банкларининг инвестиция қўйилмалари жами портфелнинг 95,55% ни ташкил этди (2012 й.-96,15%). Бундай ўзгаришни юзага келишига

асосий сабаб, фонд бозорида давлат қимматли қоғозлари таклифини пасайганлиги ва тижорат банкларини иқтисодиётнинг турли тармоқларида янги корхона ва ташкилотларни ташкил этишда фаол иштирок этиши билан изоҳланади. Умуман олганда, тижорат банкларини қимматли қоғозларга қўйилмалари ўсиш суръатида ва 2016 йил якунига кўра, 1041,1 млрд.сўмни ташкил этди. 2012 йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,6 мартага ортган.

*3-жадвал*

**Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари [8]**

| | 2012й. | | 2013й. | | 2014й. | | 2015й. | | 2016 й. | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | млрд. сўм | % | млрд. сўм | % | млрд. сўм | % | млрд. сўм | % | млрд. сўм | % |
| **Жами қўйилмалар** | 661,9 | 100 | 858,9 | 100 | 915,1 | 100 | 895,5 | 100 | 1041,1 | 100 |
| *шундан:* | | | | | | | | | | |
| Савдо портфел | 25,5 | 3,85 | 47,2 | 5,50 | 30,1 | 3,28 | 44,9 | 5,02 | 46,3 | 4,45 |
| инвестиция портфели | 636,5 | 96,15 | 811,6 | 94,50 | 885,0 | 96,72 | 850,6 | 94,98 | 994,8 | 95,55 |

Умуман тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаол иштироки натижасида биринчидан, қимматли қоғозлар бозори ривожланиши янада жадаллашади, иккинчидан, банкларнинг қўшимча ресурслар жалб қилиш билан боғлиқ фаолиятида рақобат кураши ривожланиб, банкларнинг узоқ муддатли кредитлаш ва инвестицион фаоллиги ошади.

Ушбу йўналишларни амалиётга чуқуррок тадбиқ этилиши қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари инвестицион фаолиятини янада жадаллаштиришга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд:

- ➢ тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида энг фаол иштирокчи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, банкларнинг даромадлигини ошириш ва ликвидлилигини мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган ликвидлиги юқори бўлган қимматли қоғозларнинг фонд бозорида олди-сотди объекти сифатидаги салмоғининг жуда пастлиги.
- ➢ Мамлакатимизда 2013 йил 1 январдан бошлаб ҳукумат қимматли қоғозларининг эмиссиясини тўхтатилганлиги тижорат банкларининг инвестицион операциялари салмоғини пасайишига, бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари активлари таркибида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар салмоғининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Тижорат банклари қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида уларга фоиз ва дивиденд шаклида

тўланадиган харажатлари даражасини белгилашда инфляция ва миллий валютанинг девальвация суръатини ҳисобга олиш лозим.

2. Тижорат банклари қимматли қоғозларининг фоиз ставкалари ва уларни актив сифатида жойлаштиришдан олинадиган даромадларнинг даражаси ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, соф фоизли маржанинг меъёрий даражаси 4,5 фоизни ташкил этади. Фикримизча, банклар қимматли қоғозларининг фоиз ставкалари ва уларни актив сифатида жойлаштиришдан олинадиган даромадларнинг даражаси ўртасидаги мутаносиблик мезони сифатида 4,5% олиниши зарур.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Питер С. Роуз. Банковский менеджмент. М.: Дело Лтд, 1995
2. Лаврушин О.И. “Основы банковского менеджмента” – М.: Финансы и статистика. 1997 г. 576с.
3. Носиров Э.И. “Қимматли қогозлар бозорида тижорат банкларининг ролини ошириш масалалари”. Автореферат ИФН. Ўз.РБМА-Т. 2003й. 5б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни. 27 июнь 2008 й.
5. “Бозор, пул ва кредит” 2016 йил 1-сон.
6. Аналитический обзор банковского сектора Узбекистана по итогам 2016 года Аналитический обзор. – Ташкент, 2017. - № 46. – С. 74.
7. Тошкент фонд биржаси маълумотлари. (uzse.uz.сайти маълумотлари)
8. Аналитический обзор банковского сектора Узбекистана по итогам 2016 года Аналитический обзор. – Ташкент, 2017. - № 46. – С. 74.